O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 23-dekabr • Seshanba • 150 (27.955) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш, оммавий спортни ривожлантириш учун йил давомида 186 та спорт иншоотида катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилиб, миллионлаб фарзандларимизнинг спорт билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилди».

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЁТГАН МАМЛАКАТ

Туркияда ҳар ойда нашр этиладиган ва дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларида тарқатиладиган «YESEVI» журналининг навбатдаги сонида журналист Исматулла Яссавийнинг «Ўзбекистон ва Ислом Каримов» номли мақоласи чоп этилди. Мақола истиқлол йилларида Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатда кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий янгланишларнинг муваффақиятли амалга оширилаётгани ҳақида ҳикоя қилинади.

«Ўзбекистон ўз мустақиллигини 1991 йил 1 сентябрда эълон қилди, — дейилади мақолада. — СССР парчаланганидан кейин собиқ иттифоқ ҳудудида жойлашган мамлакатларда мураккаблашган аҳвол тартибсизликларни бартараф этиш, ҳуқуқий тартибни сақлаш ва аҳолининг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларини таъминлаш, биринчи галда, озиқ-овқат масаласини ҳал этишнинг тезкор чораларини кўришни талаб этарди. Ана шундай мураккаб шароитда Президент Ислом Каримов томонидан мамлакатни иқтисодий ривожланиш йўлига олиб чиқадиган ва бу соҳада эътиборли муваффақиятларга эришишга хизмат қиладиган чуқур ўйланган ислоҳотларни амалга оширишга киришилди».

Айниқса, Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида қўлга киритган муваффақиятлари ҳақида гапирар экан, турк журналисти мамлакатда қисқа муддат ичида пахта қонунчилик базасини шакллантиришга эришилгани, мамлакатнинг жуда кўплаб халқаро декларация ва ҳужжатларга қўшилганига, суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишига, энергетика соҳаси, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, банк иши, молия, солиқ ва бошқа тармоқлар бўйича давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши ва уларни муваффақият билан амалга татбиқ этилишига эътибор қаратади. Ҳозирги кунда мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш жараёни якунига етмоқда ва судларни ихтисослаштириш амалга оширилмоқда. Мамлакатда ўлим жазоси бекор қилинган. Ўзбекистон Қуролли Кучлари ва ҳарбий хизмат бўйича ислоҳотлар амалга оширилди.

«Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсати хорижий сармояларни жалб қилиш учун энг қулай имкониятлар яратиш ва сармоядорлар кафолатларини таъминлашга йўналтирилган, — деб ўз фикрини давом эттиради И. Яссавий. — Мамлакат сармоядорларни солиқ имтиёзлари яратилгани, табиий ресурсларга бойлиги, малакали ишчи кучи етарли эканлиги, ривожланган банк ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатилиши билан ўзига тортмоқда».

Журналист қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг асосий йўналишларидан бири эканлигини ва мамлакат пахта, мева, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилиш бўйича дунёнинг етакчи давлатлари қаторида туриши ҳақида гапирар экан, Ўзбекистон олтин, мис, алюмин, вольфрам, кўмир, мармар, табиий газ ва нефть каби ер ости қазилма ресурсларига ҳам бой эканлигини таъкидлайди.

3-бет

Суратда: илғор тикувчи Озода Расулова.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат

Наманган шаҳрида «BUNYOD-TEXTILE» тикувчилик-трикотаж фабрикаси маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди.

ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Корхона 110,6 минг АҚШ доллари миқдоридаги замонавий тикув-тўқув дастгоҳлари билан жиҳозланган. У тўла қувват билан ишлай бошлагач, йилига 1 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ва 20 минг донагача бутланган махсус кийим-бош тайёрлаш қувватига эга бўлади. Бу — фабрикага йилига 1,2 миллион доллар миқдорида даромад олиш имконини беради.

Яна бир муҳим жиҳати — корхона ишга тушиши билан бу ерда 70 нафар йигит-қиз янги иш жойлари билан ҳам таъминланди.

КЕНЖА ТУМАННИНГ БАРАВЖ ОДИМЛАРИ

Элликқалъа — Қорақалпоғистон Республикасидаги энг кенжа туманлардан бири. Мустақиллик йиллари бу ерда пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, пиллачилик, сабзавотчилик, полиз ва боғдорчилик кенг ривож топди. Ўнлаб қўшма корхоналар ишга туширилиб, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорт қилинадиган бўлди. Қатор янги умумтаълим мактаблари, мактабгача болалар муассасалари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар фойдаланишга топширилди. Янги иш жойлари ташкил этиш, бандлик дастури ижросини таъминлаш борасида кўламли ишлар амалга оширилди.

Ёшлар йилида туманда ёш оилаларни уй-жойлар билан таъминлаш йўлида 24 хонали 4 қаватли турар жой биноси қуриб битказилди. Янги йил байрами арафасида «Наврўз» масъулияти чекланган жамият қурувчилари, муҳандис-техниклари кунига 1-1,2 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех қурилишини ҳам якунлаб ишга туширдилар. 20 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланган мазкур цехда 12 нафар киши муқим иш жойи билан таъминланди.

Шунингдек, янги йил арафасида 200 ўринли замонавий Бўстон бозори ишга туширилди. Унда сотувчилар учун ҳам, истеъмолчилар учун ҳам барча шарт-шароит муҳайё. Илгари элликқалъаликлар Тўрткўл ёки Беруний деҳқон бозорига бориб савдосотиқ қилишган бўлса, энди улар ўз деҳқон бозорига эга. Туман аҳли 2009 йил — «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да янги-янги марралар ва янги-янги мақсадларни ният қилишган.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч

ҚУЙИ БЎҒИН МУСТАҲКАМ БЎЛСА,

партия дастурий мақсадлари изчил амалга ошади, — дейди Бувайда туман партия кенгаши раиси Ҳабибахон ТОШМАТОВА

Қачон Бувайдага йўлим тушса, туман партия кенгаши одамлар билан гавжум эканидан хурсанд бўламан. Қачон қараманг бу ерда ҳаёт қайнайди.

— Қишлоқ врачлик пунктида ҳамшираман, — дейди Гулнора исмли аёл. — Яқинда ХДП туман кенгаши жамоамизда учрашув ўтказди. Мен шундан сўнг партия Дастури ва мақсадлари билан танишиб чиқдим, унга аъзо бўлишга қарор қилдим.

— Маҳалламизда кам таъминланган оила яшайди, — дейди «Пишағар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муқаддасхон Ҳасанова. — ХДП туман кенгашига шу оилага ёрдам кўрсатиш масаласида маслаҳатлашгани келдим.

— Фермер хўжалигимиз яқинда йириклаштирилди. Табиийки, партиямиз аъзолари сони ҳам кўпайди. Натижада улар билан ишлаш, айниқса ёшлар ва аёлларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимлари, ижтимоий фаоллигини ошириш эҳтиёжи кучайди. ХДП туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қаноти фаоллари билан бу борадаги тадбирлар ҳақида келишиб олишимиз керак, — дейди «Шаҳноза» фермер хўжалиги раҳбари Сожидахон Имомова.

Хўш, нега бу даргоҳ доим серқатнов? Шу саволга жавоб топиш мақсадида туманда партия ташкилотлари, хусусан бошланғич ташкилотлари томонидан қандай ишлар олиб борилаётгани билан қизиқдик.

Туман тиббиёт бирлашмаси қошидаги БПТда бундан уч йил аввал партия аъзолари сони юзга яқин эди. Бугун улар сафи 1318 нафарга етди. 2008 йилнинг ўтган ўн ойида 115 нафар ёш шифокор ва ҳамшира ХДП аъзолигига қабул қилинди.

— Биз ишни жамоада ХДП дастурий ғояларини кенг тарғиб қилишдан бошладик, — дейди БПТ раиси Зуҳрахон Мамажонова. — Партиянинг устувор мақсадларидан бири — тиббиёт ходимлари, аҳолининг кам таъминланган қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш эканини тушунтириб бордик. Қуруқ гап билан эмас албатта, — балки амалий иш билан. БПТ жамоадаги кам таъминланган ёки узоқ вақт ишлаб нафақага чиққан ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилалар рўйхатини тузиб, улардан хабар олишни ташкил этишди. Бемор бўлиб қолганларга малакали шифокорлар кўригини уюштирдик. Фаол аёлларни рағбатлантириб, ёшлар ташаббусини қўллаб-қувватладик. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ХДПдан сайланган депутат Маҳмуджон Маҳкамов билан доимий алоқа ўрнатиб, қонунчиликдаги янгиликлар, уларни қабул қилишда ХДП фракцияси иштироки ҳақида маълумот бериб бордик.

Ўз вазифасига фидойилик билан ёндашаётган Зуҳрахон Мамажонова одамларни ортидан эргаштира олди. Уч йилда БПТ таркиби ўн беш баробарга кўпайгани бунга ёрқин мисолдир. Шуни айтиш керакки, БПТ ҳар ҳафтада ўзининг маърифий ўқув соатини ўтказиб, унда «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталарида эълон қилинган мақолалар, партия юқори органлари ҳужжатлари ўрганилади. Шунинг натижаси бўлса керак, жамоадаги партия аъзолари ва хайрихоҳларининг фаоллиги ошиб бораётир.

БПТнинг ўз иш режаси бор. Декабрь ойи саҳифасини варақлаймиз. Ёшлар йили муносабати билан қилинган ишлар якуни, Конституция қабул қилинган кунни тантанали нишонлаш, жамоатчилик асосида адвокат иштирокида ходимларнинг иш берувчи билан тузган шартномавий ҳуқуқларини таъминлаш ҳолатини ўрганиш...

2-бет

✓ Истиқлол имкониятлари

ҚАРШИ — ЁШЛИК ШАҲРИ

Бугунги кунда Қарши шаҳрининг нафақат кўҳна тарихий маскан, балки ҳар қандай одамнинг ҳам эътиборини ўзига тортадиган навқирон, замонавий шаҳарга айланиб тургани истиқлолимизнинг беқиёс қудрати, ҳалқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг амалий исботидир.
Ислом КАРИМОВ

Партиямизнинг Қарши шаҳар кенгаши раиси Комила Каромованинг хонасида бир гуруҳ қизларнинг суҳбати устидан чиқиб қолдик. Улар Қарши давлат университетининг талабалари — 2008 йилда Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган Нилуфар Аббосова, Навоий номидаги давлат стипендияси соҳиби Мадина Тошева ва ёш ижодкор Гулруҳ Убайдуллаевалар экан.

— Шаҳримизнинг 2700 йиллик тўйи ўтказилиши муносабати билан Кўкгумбаз, Хўжа Абдулазиз, Қиличбой, Бекмир, Шарофбой каби масжид ва мадрасалар таъмирланди, улуғ алломаларимизнинг асарлари нашр этилди, — дейди Нилуфар Аббосова. — Бу ерда асрлар давомида шаклланган маданият, илмий-маънавий муҳит туфайли биргина Насафий тахаллуси билан 400 нафардан ошиқ фозил инсонлар етишиб чиққан ва улар ўзларидан бой маданий мерос қолдирган. Биз ана шу меросни ўрганиш, ёшлар қалбида буюк аждодларимиз билан фахрланиш ҳисси ва уларга муносиб бўлиш масъулиятини ошириш учун қилинадиган ишлар ҳақида фикрлашаяпмиз.

— Ҳовлимиз Дарвозатутак маҳалласида жойлашган, — дейди Мадина Тошева. — Маҳалламиз ҳудудида Амир Темур бобомиз даврида қурилган Одина масжиди бор. Бу жой олдин қамоқхона бўлган экан. Бугун қайтадан таъмирланган бино муқаддас масканга айланди. ХДПдан шаҳар кенгаши фаоллари билан биргаликда шаҳримиздаги бунёдкорликлар, айниқса, Ёшлар йилида амалга оширилган ишлар тўғрисида ёшлар билан учрашув ўтказишни режалаштираяпмиз. Мақсадимиз — ҳар бир тенгдошимиз бу ўзгаришлар моҳиятини юракдан англасин.

...Истиқлол йилларида шаҳарда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, асрлар оша воҳа аҳлининг етакчи қисмини сув билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этган кўҳна сардобалар тикланди, қадимги кўприклар таъмирланди. «Эл-юрт таянчи» монументи, янги Марказий деҳқон бозори қад ростлади. Бунга ўхшаш бунёдкорликларнинг санаб адоғига етиш қийин...

2-бет

КЎНГИЛЛАРГА МЕҲР УЛАШИБ...

Ғиждувондаги 2- даволаш мактаб-интернати биноси давлат дастури асосида тўлиқ реконструкция қилинди ва жиҳозланди. 64 нафар ўқитувчи, тарбиячи ҳамда руҳшунос, 13 нафар тиббиёт ходими меҳнат қилаётган мазкур даргоҳда 367 нафар ўғил-қиз ҳам ўқиб, ҳам даволанади.

— Болам шу даргоҳ тарбияланувчиси, — дейди бухоролик Флюра Ҳожиева. — Ўқитувчию тиббиёт ходимларидан миннатдорман. Улар болаларимиз билан биргаликда қизиқарли маданий тадбирлар уюштиришади.

— Бизнинг мактаб-интернатимизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходим ўз вазифасига масъулият билан ёндашади, — дейди муассаса раҳбари Аброр Орипов. — Ҳар бир болага алоҳида эътибор керак. Улар биздан, аввало, меҳр кутади. Жамоамизнинг ҳар бир аъзоси буни чуқур англайди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУГУНГИ СОНДА:

❖ «ЭКОСАН» — САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ НУКУСДА 3

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!
● «НАВРЎЗ — БОҚИЙ БАЙРАМ»
«Наврўз — боқий байрам» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:
◆ телевидение бўйича энг яхши журналистик иш учун;
◆ радио бўйича энг яхши журналистик иш учун;
◆ даврий матбуот бўйича энг яхши журналистик иш учун;
◆ Интернет нашрлар бўйича энг яхши журналистик иш учун. 4

INTER-PRESS ОБУНА
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ КИТОБЛАР, ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР
119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13, e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI Хизматлар лицензиялаштирилган

ҚУЙИ БЎҒИН МУСТАҲКАМ БЎЛСА,

партия дастурий мақсадлари изчил амалга ошади, — дейди Бувайда туман партия кенгаши раиси Ҳабибахон ТОШМАТОВА

Бир ойнинг ўзида ўнга яқин тадбир режалаштирилган. Бажарилган ишлар рўйхатида партия аъзоларининг Қувасойдаги Фарғоний номли дам олиш уйига сафари, БПТ тафтиш комиссиясининг ҳисоботи, қабул қилинган қонунларни ўрганишга бағишланган семинарлар ҳақида маълумотлар қайд этилган. Хуллас, БПТ қизғин фаолият юритаётганини кўрасиз. Уларга марказий шифохона биносидан алоҳида жой ажратилган. Бу ерда ХДП Дастури, Устави, пленумлар қарорлари, партия нашрлари билан танишиш мумкин.

— Маълумки, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган ўринбосарлари бор. Биз маслаҳатлашиб, туманимиздаги 11 нафар раис ўринбосарларини моддий рағбатлантириб боришга қарор қилдик. Улар энди ХДП туман кенгашининг ҳудудий тарғиботчиси вазифасини ҳам бажаради, — дейди Ҳабибахон Тошматова. — Ҳаётда исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқат бор: иморатнинг пойдевори мустаҳкам бўлса, синовларга дош беради. Таянч ишончли бўлса, мақсадга тез эришилади. Бизнинг таянчимиз — бошланғич партия ташкилотларидир.

Фарғона вилоятида 34 мингга яқин ХДП аъзоси бўлиб, улар 926 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Бундоқ қаралса, бу жуда катта куч, вилоятда партиянинг мингга яқин таянчи бор. Аммо уларнинг барчаси ҳам мустаҳкам, ишончлими?

Биз кўплаб партия аъзолари билан учрашиб, суҳбатлашиб, партия кенгаши, бошланғич ташкилотлари ишини ўрганишга ҳаракат қилдик. Очиқ айтиш керак, бу борада фойдаланилмаётган, бой берилаётган имкониятлар ҳали жуда кўп.

Масалан, Ўзбекистон туман партия кенгаши таркибида 60 та БПТ бор. «Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудий партия ташкилоти уларнинг бири.

— 36 та партия аъзоси бирлашган ҳудудий партия ташкилотига 24-мактаб ўқитувчилари, болалар боғчаси тарбиячилари ва маҳаллада яшовчи бошқа фуқаролар бирлашган, — дейди унинг раиси Манзурахон Қосимова.

— Партия ташкилотининг иш режаси борми?

— Партиямиз нашрларига обуна бўлганмисиз?

—...

«Киштибоқ» маҳалла ҳудудий партия ташкилоти раиси Шукрулло Сотимов, туман меҳнат бўлими БПТ раиси Нозимжон Кенжаевлар билан суҳбатимиз ҳам худди шундай бўлди. Буни очиқ айтишдан мақсад битта — лоқайдлигимиз борлигини тан олиш. Ҳатто ўз имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланмаймиз.

Биз сўраган саволларга ижобий жавоб бериш учун озгина қунт бўлса кифоя! Ортиқ нарса талаб этилмайди.

Меҳнат бўлими БПТда 10 та партия аъзоси бўлиб, уларнинг икки нафари 2008 йилда ХДП сафига қўшилган. Қолган БПТда эса партия сафига янги аъзолар қабул қилинмаган. Умуман, ХДП Ўзбекистон туман кенгаши 2008 йили бор-йўғи 36 нафар кишини партия аъзолигига қабул қилган, холос. Таққослаш учун айтайлик, ХДП Бувайда туман кенгашида бу рақам 1061 нафарни ташкил этади. Шунингдек, 2009 йил учун бошланғич партия ташкилотларини марказий нашрларимиз — «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига обуна қилиш ишлари ҳам Бувайда туман партия кенгаши томонидан яхши йўлга қўйилган.

Ўзбекистон тумани бошланғич партия ташкилотларининг аксариятида эса ХДП Дастури ва Устави ҳам йўқ. Ҳатто, туман кенгашининг ўзидан ҳам партия Уставини топа олмадик. Туман маркази ҳамда ҳудудларда ХДП рамзи туширилган кўргазма лавҳалар, баннерлар учрамайди. Демак, тарғибот ишлари ҳақида гапириш ортиқча.

Хўш, нега энди икки туманда БПТ фаолиятида бу қадар катта тавофут бор? Аввало, уларнинг ишини йўналтирувчи туман кенгаши раҳбариятига кўп нарса боғлиқ. Етакчи ёнмаса, сафдошлари қалбига чўғ сололмайди.

Адолат юзасидан айтадиган бўлсак, бундай манзарани у ёки бу шаклда бошқа жойларда ҳам кўриш мумкин. Ҳолбуки, уларнинг барчаси ХДП Бувайда туман кенгаши каби натижаларга эришиш имкониятига эга.

Қолаверса, бошланғич ташкилотлар партиянинг асосий таянчи, электорат билан бевосита ишлайдиган бўғини сифатида кириб келаётган 2009 йил — «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор ижтимоий масалаларни ҳал этишда ўзларининг нималарга қодир эканликларини амалда кўрсатишлари керак. Ўзбекистон ХДП Дастурида белгиланган меҳнатга қобилиятли кишиларни, хусусан ёшларни иш билан таъминлаш, қишлоқ аёлларини касаначилик билан шуғулланишга тортиш орқали мавжуд ижтимоий муаммоларни ечишга кўмаклашиш улар зиммасига катта масъулият юклайди. Бу эса қишлоқда турмуш даражасини ошириш, қишлоқ аҳлининг манфаатларини таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш муҳим мақсадларга хизмат қилади. Президентимиз таъбири билан айтганда, қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Хоразм вилоят партия ташкилотлари ҳаёт илгари сураётган долзарб мавзуларда давра суҳбатлари ўтказиб келмоқда.

Яқинда вилоят ва Хива туман партия кенгашлари туман ҳокимлиги билан бирга Педагогика коллежида илмий-амалий конференция ўтказди. Хива туман прокурори Режаббой Каримов, вилоят партия кенгаши раиси Раимберган Сабуров конституциявий ҳуқуқ ва бурч, бунинг тўлақонли ифодасида жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялар вазифаси ҳақида тўхталди.

Шунингдек, туман ҳокими, партиямиз фаоли Даврон Аллақулиев ҳуқуқий маданиятнинг жамият ривожидаги аҳамияти ҳақида фикр юритди.

Собир Раҳимов туман партия кенгаши 234-мактабда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва шаҳар кенгаши депутатлари, шаҳар ва туман партия кенгашлари вакиллари билан учрашув ташкил этди. Тадбирда шаҳар партия кенгаши раиси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Учқун Шойимқулов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Боймурод Юсупов фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, қонун устуворлиги, бунинг адолатли жамият барпо этишдаги аҳамияти ҳақида ҳикоя қилдилар.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Тошкент туман партия кенгаши ташаббуси билан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида ижодий мулоқот бўлиб ўтди.

Таниқли сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунлар ҳақида фикр юритиб, бу борадаги ишларнинг қадр-қимматини ҳаётий мисоллар орқали тушунтирди. Учрашув давомида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Тошкент туман партия кенгаши раиси Хадича Эргашева, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Тожихон Ҳусайиддинова, коллеж раҳбари Нигматилла Қорабоев «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни юзасидан тушунчалар беришди.

ЎзХДП МК Матбуот хизмати

ҚАРШИ — ЁШЛИК ШАҲРИ

✓ Истиқлол имкониятлари

— Изланувчан ёшларимизнинг сафи кундан-кун кенгайиб бормоқда, — дея суҳбатга қўшилади Комила Каромова. — Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати сифатида шуни айтмоқчиманки, юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қаршида ҳам «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бугун шаҳарда Қарши давлат университети, муҳандислик-иқтисодиёт институти, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали фаолият кўрсатмоқда. Уларда 14 минг нафардан ортиқ талаба таълим олаяпти. Бугун биз том маънода Қаршини ёшлар шаҳри деб бемалол айта оламиз. Уларга вилоят миқёсида алоҳида эътибор қаратиш мақсадида кам таъминланган 20 нафардан ортиқ талаба ўқиши учун шартнома маблағини ҳомийлар ўтказиб бераётганини мисол қилиб келтириш мумкин. Шунингдек, ёшларни иш билан таъминлаш масаласида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йилги битирувчиларнинг аксарияти ишли бўлди. Янги битирувчилардан 33 нафарини бюджет ташкилотлари ва тижорат банкларига, 51 нафарини хизмат кўрсатиш соҳасига, 21 нафарини эса бандлик жамғармаси ҳисобидан ишга жойлаштириш режалаштирилган.

Шаҳар ҳокими Шуҳрат Турсуновнинг маълумот беришича, айни пайтда Қаршида хорижий инвестициялар жалб этилган ўндан ортиқ йирик қўшма корхона, шунингдек, кала-ва-ип, тикувчилик, нон, гўшт-сут маҳсулотлари, пишиқ ғишт, рубероид, қоғоз ишлаб чиқараётган 74 та кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда минглаб ёшлар меҳнат қилмоқда. 2008 йилда 4 та корхонага 17335, 9 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди. Жумладан, «Темур Чин» қўшма корхонасига Хитойдан, «Автотрактор радиатор» қўшма корхонасига Россиядан зарур ускуналар олиб келиб ўрнатилди.

— Шаҳримизда 230 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди ҳоким. — Унинг 60-65 фоизини ёшлар ташкил этади. Шу боис йигит-қизларимизга муносиб иш ўрни яратиш — доимий диққат марказимизда. Ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли Қарши шаҳрининг 2008-2010 йилларга мўлжалланган ривожланиш дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, биргина саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 519 миллиард сўмга етади. Бу — янги корхоналар, маиший хизмат кўрсатиш тизими, минглаб янги иш жойлари дегани. Капитал қурилиш, хусусан, ўқув юртлари қурилиши борасида ҳам катта режалар белгиланган...

●●●

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши раиси Азиз Усмонов йўлйўлакай Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида 2 та янги мактаб қурилгани, 7 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилганини алоҳида таъкидлади. Шулардан бири — «Бўстон» маҳалласидаги 46-мактаб. Ўқитувчи Каромат Жалилованинг айтишича, бугун бу илм масканида 818 нафар ўқувчи таълим олаётган бўлиб, улар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Республика акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти шаҳар филиали ёш шифокори Лочина Аллаева ҳамда олий тоифали шифокор Сабоҳат Мейлиева.

— Янги мактаб уйимизга яқин ерда жойлашган, — дея қувончларини изҳор қилишди 7- ва 8-синф ўқувчилари Мафтуна Абдураимова ва Жаҳонгир Мажидовлар. — Илгари ўқиш учун узоққа қатнардик. Катта кутубхонамизда китоблар жудаям кўп, яна компьютерда ишлашни ҳам ўрганаяпмиз...

— Мустақиллик туфайлигина ёшларимиз мана шундай имкониятларга эга бўлишди, — дейди «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Йўлдош Давиров. — Авваллари фарзандларимиз бошқа маҳаллалардаги мактабларга бориб ўқишарди. Бугун 4,5 минг киши истиқомат қилаётган маҳалламиз ота-оналарининг ўз фарзандларидан кўнгли тинч бўлди. Энди улар ўз ишларига хотиржам бориб келишмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Аввало, ўқувчиларимизга яратилган шароит ҳақида тўхталсак, — дейди шаҳар халқ таълими бўлими мудири Ғайрат Темиров. — Шаҳардаги 45-мактаб учун ҳам янги бино қурилди. Ҳозир мавжуд 46 та мактабда 40 минг нафардан зиёд ёш таълим олаяпти. Шунингдек, хорижий тиллар ва математика фанига ихтисослашган 2 та мактаб ҳам бор.

Шаҳарда фаолият кўрсатаётган 5 та академик лицей ва 15 та касб-ҳунар коллежи минглаб ёшларни ўз бағрига олган. Маълумотларга кўра, келгуси йил яна 1 та академик лицей ва 4 та янги мактаб биноси қурилиши режалаштирилган.

— 760 нафар ўқувчи таълим олаётган билим юртимизда 7 та йўналиш бўйича газ, сув, электр тизимлари ва ташкилотларда меҳнат қиладиган техник усталар тайёрланади, — дейди Политехника касб-ҳунар коллежи директори Аваз Мавлонов. — Уларни ишга жойлаштириш мақсадида мутасаддилар билан шартнома тузганмиз.

Қарши — қадим-қадимдан ҳунармандлар юрти ҳисобланади. Шаҳардаги Чармгар, Кулоллик, Косагарлик, Зардўзлик, Дегрез маҳаллаларида каштадўзлик, заргарлик, тикувчилик ва бошқа касблар ривожланмоқда. Ҳукуматимиз қарорига биноан, йирик саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари касаначиликни ривожлантиришга кўмак бермоқда. Ҳозир шаҳарда 800 нафар касаначи уй меҳнати билан шуғулланмоқда.

Шаҳарда эҳтиёжманд оилаларга, ногиронларга, бир сўз билан айтганда, ЎзХДП электорати вакилларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Жумладан, маҳаллалардан бирида истиқомат қилаётган ногирон ака-укаларга янги компьютер олиб берилди. Халқаро ногиронлар куни арафасида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими шаҳардаги махсус мактаб-интернатлар учун 2575 та тиббий анжом, 30 нафар бола учун аравачалар ҳадя қилди. Улар ўртасида «Умидли дунё» шиори остида спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози», «Севинч» футбол жамоаси бош мураббийи Владислав Хан ўз шогирдлари билан.

●●●

Меъмор дўстларимдан бири «Энг кўркам иморат, аввало, кўнгилда бино бўлади», деган эди. Қаршидаги кўп қаватли ва бир-биридан чиройли иморатларни кўрган киши халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти юксаклигига тан беради. Яна шаҳарда «Ўғлимга ватан қуриб берай» деган калом ҳам давраларда бот-бот тилга олинади. Уйни Ватанга менгзаш бежиз эмас. Бу ҳақда «Самарқанд» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ЎзХДП фаоли Рустам Очилов шундай дейди:

— Шаҳримизнинг боғлари, обод кўчаларини пиёда кезгим келаверади. Чунки ҳар куни бир янгилик, ўзгариш.

Бугун шаҳарда ёш оилаларнинг уй-жой шароитини янада яхшилаш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Уй — ёш оила учун униб-ўсиш маскани. Бола шу уйда туғилиб, Ватан ва ота-она деган тушунчаларни англайди. Мисол учун «Ўзбурғунефтгазгеология» бирлашмаси қураётган 3 та уйдан 1 таси фойдаланишга топширилди ва уларнинг аксарияти ёш оилаларга ажратилди. Шу йил «Шўртангаз» унитар-шўъба корхонаси маблағи эвазига битказилган 50 хонадонли уйда ҳам ёш оилалар истиқомат қилишмоқда.

— Отам кўп йилдан буён «Шўртангаз»да меҳнат қилади, — дейди оила бошлиғи, 27 ёшли Аброр Розиқов. — Мен ҳам шу корхонада газ тозаловчи ускуналар оператори бўлиб ишлайман. Ёш оила сифатида уч хонали уйни беришди. Кўчиб кирдик. Турмуш ўртоғим Фаридахон ҳамшира бўлиб ишлайди, ўғилчамиз бор.

— Ўзим қурувчиман, уйланганман, — дейди «Бўстон» маҳалласида яшовчи Рустам Ҳомидов. — Янги уй қуриш учун банкдан 15 йил ичида қайтариш шарти билан 42 миллион сўм имтиёзли кредит олдим. Шундай имкониятни ёш оилаларга яратиб берган Президентимиздан миннатдормиз.

— Бошқа банклар қатори биз ҳам ёш оилаларга кўмаклашаяпмиз, — дейди «Ипотекабанк»нинг вилоят филиали ходими Ўрол Назаров. — Бу йил жами 52 та ёш оилага уй-жой қуриш учун 1 миллиард 20 миллион сўм кредит ажратдик.

«Ўзбекистон» кўчасида тикланаётган ёш оилалар учун 32 хонадонли янги уйни «Қашқадарёмонтажсервис» унитар корхонаси барпо этмоқда. Унда Жовли Турдиқулов бошлиқ участка бинокорлари меҳнат қилмоқда.

— Шаҳримиздаги ўзгаришлар фақат шулардан иборат эмас, — дейди шаҳар ҳокимлиги архитектура ва меъморчилик бўлими ҳузуридаги якка тартибда уй-жой қуришга масъул муҳандис Маҳмуд Отамуродов. — Шаҳар чеккасида алоҳида «Ёшлик» маҳалласи бунёд этилмоқда. Бошқача айтсак, ёш оилалар ўз дидларига мослаб, 300 та янги уй қуришни бошлаб юборишган. Ҳозиргача 200 ёш оилага ер участкаси ажратиб берилди. Улар орасида 30 нафар ёш ўқитувчи, ҳарбий хизматчилар бор. Бундан ташқари, 320 ўринли мактаб, 90 ўринли боғча, кичик бозор ва бошқа маиший бинолар ҳам қад ростламоқда.

— Яхши ният билан Ёшлар йилида бизнинг оилага ажратилган ерга янги ҳовли қуришни бошладик, — дейди мамнуният билан 6-мактаб ўқитувчиси Норсулув Ҳамидова.

●●●

Қаршидаги «Ёшлар боғи»ни 5 та мактаб ўқитувчи-ўқувчилари обод этишмоқда. «Ёшлар маркази»даги «Шеърият клуби»га ижодкор Турди Ҳайдаров раҳбарлик қилаётир. Унинг бир қанотида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси» ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳам фаолият кўрсатмоқда. Марказнинг вилоят бўйича координатори Дилшоджон Бегматов бу ҳаракатга 5 мингдан ортиқ ёшлар қўшилганлиги ва бу йил фан, санъат, матбуот, интернетда ишлаш каби 7 та йўналиш бўйича 41 ғолиб аниқланганлиги, унинг 18 нафари эса қаршилик ёшлар эканлигини мамнунлик билан тилга олди.

— Мен спортчилар оиласиданман, — дейди спорт йўналиши ғолиби, ўсмирлар ўртасида каратэ бўйича мамлакат чемпиони Шаҳбоз Аҳмадов. — Шу сабабли спортга меҳрим бўлакча. Келгусида спорт мураббийи бўлмоқчиман. Бунинг учун бизда барча шароитлар етарли.

Дарҳақиқат, шундай. Қаршида кейинги йилларда 20 минг ўринли замонавий стадион, 4 та теннис корти, сузиш ҳавзалари бунёд этилди. Мактабларнинг ўзида 10 мингдан ошиқ ёш турли спорт тўгаракларига қатнамоқда. 600 ўринли олимпия захиралари коллежида умидли спортчилар таълим олаяпти. Спортнинг турли йўналишлари бўйича шаҳарда ўтказилаётган халқаро ва мамлакат чемпионатларида янги-янги номлар кашф этилмоқда. Айниқса, қаршиликлар «Севинч» аёллар футбол жамоасининг муваффақиятларидан ҳақли равишда фахрланишади. Жамоанинг тажрибали мураббийи Владислав Хан бу йил «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан тақдирланди. Айни пайтда футбол жамоаси машғулотлар ўтказаётган «Геолог» стадиони спорт ва соғломлаштириш марказига айлантирилган.

Қаршида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, бу борада Республика акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти шаҳар филиалида катта тажриба тўпланган. Ушбу масканда Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Навоий вилоятларидан келган ёш оналарга тиббий ёрдам кўрсатилади, касаллик турлари аниқланиб, даволанади. Бунинг учун энг замонавий тиббий ускуналардан фойдаланилмоқда. Бу даргоҳда ўз касбини эъзозлаётган Мавлуда Асророва, Лочина Аллаева, Сабоҳат Мейлиевалар ҳукуматимиз ғамхўрлиги туфайли ёш оналарнинг аҳволи яхшиланиб, фарзанд кўриш бахтига муяссар бўлишаётгани ҳақида ҳаяжонланиб гапирди.

— Соғлом боланинг дунёга келиши оиланинг бахти, — дейди шаҳардаги туғуруқхона бош врачи Саломат Очилова. — Туғуруқхонамиз 205 ўринли бўлиб, «Ёшлар йили» Давлат дастурига кўра, таъмирлаш ишлари бажарилди. Шунингдек, янги тиббий ускуналар келтирилиб ўрнатилди.

«Қашқадарёмонтажсервис» унитар корхонаси қурувчиси Акбар Рўзматов.

— Мен «Араловул» маҳалласида яшайман, — дейди ёш она Муниса Бадалова. — Тўнғич фарзандим ўғил бўлди. Шифокорлардан бир умр миннатдорман. Худо хоҳласа, ўғлим улғайиб, яхшиликка, яхши инсонларга йўлдош бўлади, деган ниятдаман...

Бугун бутун шаҳарда улуғворлик нафаси, келажакка чексиз ишонч руҳи кезиб юрибди. Одамлар ўз шаҳарларини, ўз ҳаётларини яратиш, яшнатиш, обод этиш, эзгулик улашиш мақсадида меҳнат қилишмоқда. Ниятимиз — чин маънодаги Ёшлик шаҳри — Қаршида ана шу руҳ ҳеч қачон сўнмасин.

Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.
Мақсуд ҲАМРОЕВ олган суратлар.

«Ўзбекистон» кўчасида ёш оилалар учун бунёд этилган 32 та хонадонли янги уй.



Сайидо Насафий номидаги ахборот-кутубхона маркази ҳар доим ёшлар билан гавжум.

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЁТГАН МАМЛАКАТ

«Бундан ташқари, мамлакатда нефтни қайта ишлаш ва кимё саноати ривожланган. Иқтисодиётни ривожлантириш стратегияси бозор инфратузилмаси институтларини ташкил этиш орқали бозор макроиқтисодий муносабатларини таъминлашга йўналтирилган. Бу аҳоли фаровон турмуш даражасининг ўсишига имконият яратади».

Мақолада мустақиллик йилларида таълим соҳасида муҳим ижобий ўзгаришлар ҳам эътибордан четда қолмаган. «Миллий таълим дастурининг амалга оширилиши доирасида юздан ортиқ академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари қурилди ва капитал таъмирланди, замонавий мебеллар, ўқув лаборатория жиҳозлари билан таъминланди, компьютер синфлари, лингафон хоналари ташкил этилди, — деб ёзади И. Яссавий. — Асосий ислоҳотлар олий таълим йўналишида олиб борилди, бакалавр ва магистр тайёрлаш бўйича Европа тизими жорий этилди. Бугунги кунда мамлакатдаги 60 дан ортиқ олий ўқув даргоҳларида 300 минг нафардан зиёд талабалар 850 йўналиш ва ихтисослик бўйича таълим олмоқда. Фанлар академияси ва унинг улкан илмий салоҳиятга эга бўлган 40 дан ортиқ институтлари фаолият кўрсатмоқда. Ядровий физика, иссиқлик физикаси, астрофизика, биология, сейсмология, ва археология соҳалари каби табиий ва аниқ фанларнинг жуда кўп йўналишларида истиқболли тадқиқотлар олиб борилмоқда».

Ўзбекистоннинг маданий ҳаёти ҳақида гапирар экан, журналист ўқувчилар эътиборини Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро Ислом ташкилоти — ISESCO томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳри Ислом маданиятининг пойтахти деб эълон қилинганига қаратади. «Ўзбекистонда бетакрор тарихий ёдгорликлар, бебаҳо меъморий обидалар, маданий қадриятлар, палеолит давридан бошланувчи ўрта асрларнинг қўлёзма ва экспонатлари сақланиб қолган, — деб таъкидланади мақолада. — Ўзбекистон дунё маданияти ва тамаддунининг бешиги сифатида ўз халқининг маданий меросини асраш ва ривожлантириш мақсадида кенг кўламли ободонлаштириш ишларини амалга оширмоқда. Мустақиллик йилларида Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан қадимий тарихий обидаларни қайта тиклаш ва реконструкция қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Авлодларнинг бебаҳо моддий ва маънавий мероси қайта тикланмоқда ҳамда авайлаб асралмоқда. Евроосиёнинг маркази ҳисобланган бугунги Ўзбекистон минтақа билан нафақат йўллар, ҳаво ва темир йўл алоқалари орқали, балки маданий яқинлиги билан ҳам боғлиқ».

И.Яссавий ўз мақоласини шундай якунлаган: «Ўзбекистон қадимдан маданият, сиёсат, адабиёт, фан ва санъатнинг атоқли марказларидан бири бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолади. Ўз Президенти раҳнамолигида Ўзбекистон халқи мамлакатнинг Осиё дунёсида етакчи бўлиши ва ўзининг буюк келажаги сари шаҳдам қадамлар қўйишига асос бўладиган ислоҳотларни амалга оширишда муваффақиятли давом этмоқда».

«Жаҳон» АА,
Истанбул.

(Давоми. Боши 1-бетда)

❖ Қарор ва ижро

ИЗЧИЛ ТАДБИРЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тизимда катта ижобий ўзгаришлар ясалишига имкон берди. Жумладан, мазкур ҳужжатда айтилганидек, юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишида қўйиладиган талабларни бирхиллаштириш, савдо корхоналарининг савдо операциялари юзасидан иқтисодий ва мулкий жавобгарлигини ошириш жараёнлари такомиллашди.

Масалан, ихтиёрида тегишли моддий-техник базага (ўз омборхоналарига ва асбоб-анжомларига) эга бўлган ҳамда рўйхатдан ўтказиш вақтида энг кам ойлик иш ҳақининг камида 4600 баравари (шундан — пул маблағлари энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1530 баравари) миқдоридаги устав жамғармасини шакллантирган юридик шахслар улгуржи савдони амалга оширишга рухсат гувоҳномаси олиш ҳуқуқига эгалиги белгиланди.

Бугина эмас, қарордан сўнг чакана савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар даромадлар ва товар операциялари ҳисобини ҳам ўзлари юритадиган бўлишди.

Биргина Сергели туман ДСИси томонидан жорий йилнинг декабрь ойи бошидаги ҳолатга кўра 514 та чакана савдони амалга оширувчи чора-тадбирлар кўрилди. Шундан туманда ҳақиқатда фаолият юритаётган тадбиркорлар сони 282 та эканлиги маълум бўлди. Жумладан, уларнинг фаолият кўрсатиш жойлари — ҳудуддаги турғун савдо шохобчаларида 77 та, бозорларда — 67, савдо расталарида — 138 та эканлиги қайд қилинди.

Тадбирлар давомида туманимизда ҳисоб рақами очиб фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркор(ЯТТ)лар сони ҳам аниқланиб, улар ҳудуддаги турғун савдо шохобчалари, бозорлардаги савдо нуқталари ва расталарда 282 тага етгани маълум бўлди. Яна бир муҳим жиҳати, ўтказган тадбирларимиз инкассация хизмати бўлинмаси билан шартнома тузган ЯТТлар сонини ҳам аниқлаб берди.

Буларнинг ҳаммаси ҳукуматимизнинг юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари изчил олиб борилаётгани катта ижобий самара бераётганини кўрсатади.

Ҳожиакбар АБДУҚОДИРОВ,
Сергели туман
ДСИ бўлим бошлиғи.

«ЭКОСАН» – САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ НУКУСДА

«Экосан» — «Ўзбекистон темир йўллари» саломатлик поезди куни кеча Нукусга етиб келди. Унга 90 миллион сўмдан кўпроқ инсонпарварлик ёрдамлари юкланган.

— Президентимиз ва Республикамиз ҳукумати кам таъминланган, ногирон, боқувчисини йўқотган оилаларга, болалар уйларига ҳамиша катта ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда, — дейди «Экосан» халқаро ташкилоти Қорақалпоғистон филиали директори Нурлибек Мирзамуратов. — Шу йилнинг март ойида «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генефондига, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда унинг оқибатларини камайтириш борасида халқаро ҳамкорлик» мавзуида ташкил этилган халқаро конференцияда минтақада иқлим ўзгариши оқибатларини камайтиришга қаратилган ва хорижий донорларга тақдим қилинган лойиҳалар рўйхатида ҳудуд аҳолисига юқори малакали тиббий, консультатив ва инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатиш ҳам кўзда тутилган ва унга «Экосан» — саломатлик поезди лойиҳаси ҳам киритилганди. Қолаверса, мазкур мурувват ёрдамини ташкил этишда яқинда ўтказилган «Биз — Оролбўйи болаларига» номли хайрия экофестивалидан тушган маблағдан ҳам фойдаланилди.

(Ўз мухбиримиз)

SERT MANAGEMENT

Ўзбекистон нефть-газ саноатида OHSAS 18001 ва ISO 14001 стандартлари бўйича биринчи аккредитланган сертификатлаш

TÜV THÜRINGEN

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида Ўзбекистоннинг етакчи маслаҳатчилари ҳисобланмиш SMS Systems ва MS Consult компаниялари томонидан нефть-газ саноатининг йирик корхонаси — Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида соғлиқни ҳимоялаш ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги тизимларини OHSAS 18001:2007 ҳамда экологик менежмент тизимини ISO 14001 стандартлари бўйича биринчи аккредитланган сертификатлаш бошланган эди. 2008 йилнинг 9–13 декабрларида ўтказилган сертификатланган аудит якунларига кўра ишонч билан айтиш мумкинки, Марказий Осиёдаги нефтни қайта ишловчи энг йирик корхона OHSAS 18001:2007 ва ISO 14001 халқаро стандартларига тўла жавоб беради.

Ўзбекистон нефть-газ саноати бошқарув тизимига ISO 9001 ва OHSAS 18001 халқаро стандартларини жорий қилиш энг илғор соҳа саналади. «UZBEKNEFTEGAZ» Миллий холдинг компанияси тизимидаги 20 дан зиёд корхоналар ISO 9001 стандарти бўйича, улардан 4 таси эса OHSAS 18001 стандарти бўйича аккредитланмаган тизимда сертификатланган.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг тарихи 1906 йилдан, ҳозирги вақтда ушбу корхонанинг бўлими саналувчи Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводининг ишга туширилишидан бошланган. Жиҳозлар, технология, бино ва иншоотлар, тозаловчи қурилмалардан узоқ вақт фойдаланилганига қарамай, корхона доимо ривожланишга интилади, у ҳозир кучли бошқарув тизими ҳамда юқори малакали ходимларга эга. Айни кунда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи Марказий Осиё минтақасидаги ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи етакчи корхоналардан бири саналиб, ўз таркибида нефтни қайта ишлаш саноатида ишлаб чиқарилувчи деярли барча маҳсулотларни тайёрлаш бўйича 35 технологик қурилмани жам этган.

Ишлаб чиқариш хавфсизлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш — биринчи навбатда корхонанинг ходимлар саломатлиги ва улар оиласининг фаровонлиги, яқин-атрофда жойлашган аҳоли пунктлари, жамият олдидаги, шунингдек, келажак авлод олдидаги масъулияти ҳисобланади. Ишлаб чиқариш хавфсизлиги ва атроф-муҳит муҳофазаси масалаларининг нефтни қайта ишлаш корхоналари учун мураккаб эканлигига қарамай, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ўз фаолиятига халқаро стандартларни жорий қилиш бўйича стратегик қарор қабул қилди ва Германия аккредитациялаш бўйича органи — TGA (DAR) томонидан аккредитланган (расмий тан олинган) сертификатлаш ўтказилишига тайёрланди.

Германия аккредитациялаш бўйича органи TGA (DAR) асосий эътиборни соғлиқни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш хавфсизлигига қаратади ва қатъий қоида, стандарт ва меъёрларни қўллайди. Корхонада хизматчилар соғлиғини ҳимоя қилиш ва ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлаш маданиятини ташкил этишнинг заруриятини эътиборга олган ҳолда, Германиянинг ўзида сертификатлаш бўйича органларнинг бир қисмигина TGA аккредитациясига эга бўлиб, улар ичида ҳамиша халқаро қоидаларга амал қилувчи TUV Thьringen компаниясининг TUV CERT тармоғи етакчиларидан бири ҳисобланади.

Янги тартибга кўра, бошқарув тизимини сертификатлаш 2 босқичда ўтказилади. Дастлабки босқич — ҳужжатларни таҳлил қилиш ва корхонанинг сертификатлашга тайёрлигини текшириш саналади. Шу сабабли Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи директори Ҳамро Машрабович Набиев ва ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001 стандартларини жорий қилиш лойиҳаси бошлиғи Ҳабибулла Маматвалиевич Алиев корхонанинг сертификатлашга тайёрлигини баҳолашда максимал натижага эришиш учун жараёнга юқори малакали аудиторларни жалб қилишни қўллаб-қувватладилар.

Шу тариқа заводга TUV CERTнинг россиялик 2 нафар бош аудитори, ишлаб чиқариш хавфсизлиги бўйича техник эксперт — «Ўзнефтегазқурилишинвест» Акциядорлик компаниясининг меҳнат ва техника хавфсизлиги бўлими бошлиғи А.Отабоев, TUV CERT ва IRCA бош аудитори Р. Ибрагимов ва TUV CERT етакчи аудитори В. Бересневдан иборат аудиторларнинг нуфузли гуруҳи жалб этилди.

Дастлабки босқич жараёнида аудиторлар иккинчи босқич — сертификатлашга максимал тайёргарлик учун зарур йўналишни бердилар. Сертификатлаш аудити 2008 йилнинг 9-13 декабрь кунлари ўтказилди. Ушбу аудитда сертификатлаш органининг 10 нафар вакили, жумладан, Германиядан 1 нафар, Россиядан 3 нафар бош аудитор, ўзбекистонлик аудиторлар ва 4 техник эксперт иштирок этди. Сертификациялаш натижалари бўйича Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи раҳбарияти жиддий текширув ва фаолиятни янада яхшилаш борасида берилган тавсиялар учун аудиторлар гуруҳига ўз миннатдорчилигини билдирди. Зеро, камчиликлардан кўз юмиш ёки ишлаб чиқариш хавфсизлиги ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига бепарволик билан қараш жиддий ва тузатиб бўлмас салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Германия TUV CERT органининг сертификатлаш жараёни давлат бошқаруви органларининг вакиллари билан норасмий учрашувларни ҳам кўзда тутади. Бу борада Республика давлат техник инспекциясининг Фарғона вилояти бўйича бошлиғи ўринбосари А. Камолов, Фарғона шаҳар 4-ҳарбийлашган ўт ўчириш қисми бошлиғи Э.Отахонов билан ана шундай учрашув ўтказилди. Э.Отахонов Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи республика нефть-газ саноатида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги етакчи корхона сифатида 2007 йил махсус диплом билан тақдирланганини таъкидлади.

Умуман олганда, бу каби суҳбатлар TUV CERT аудиторлар гуруҳига Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи самарали бошқарув тизимини жорий этишдан манфаатдор корхона эканлигини теран ҳис қилишларига кўмак берди. Шу билан бирга, 102 йиллик тажрибага эга завод ривожланишда давом этмоқда ҳамда жаҳон стандартлари талабларига мувофиқ иш юритишга ҳаракат қилмоқда. Бу борада ўзининг 150 йиллик фаолияти давомида фақат аккредитланган ва жаҳон миқёсида тан олинган сертификатлар бериши орқали ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида катта ҳурмат ва халқаро эътирофга сазовор бўлган Германиянинг TUV сертификатлаш бўйича органи билан ҳамкорлик корхона ишида ўзига хос аҳамият касб этади.

Реклама

ВЕНЕСУЭЛА: САВДО МАРКАЗИ ГОСПИТАЛЬ БЎЛАДИ...

Мамлакат президенти Уго Чавес Каракасда тикланаётган йирик савдо маркази қурилишини тўхтатиб, иншоотни давлат томонидан мусодара қилиш ҳақида буйруқ берди, деб ёзади якшанба куни Associated Press.

Чавеснинг фикрига кўра, янги савдо маркази — Sambil-нинг очилиши нафақат пойтахт маркази ҳаракатини мураккаблаштириб қўяди, балки мамлакат йўлбошчиси бошлаган кенг кўламли ишларга ҳам катта салбий таъсир кўрсатади.

Чавеснинг ваъдасига кўра, қурилиши ниҳояланмаган бино келгусида ё госпиталь, ё мактаб, ё университет бўлади. Марказ қурилишини олиб бораётган Construktora Sambil корпорацияси мамлакат раҳбарининг мазкур қарорини ҳали шарҳлаганича йўқ. Қурилиш жараёнларининг тўхтатиб қўйилгани учун Венесуэла ҳукумати компанияга компенсация пули тўлайдими, йўқми, бу ҳам ҳозирча номаълум.

ЭРОН: ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАРКАЗИ ЁПИЛДИ

Эрон полицияси 2003 йилда жаҳоннинг Нобель мукофоти соҳиби Ширин Эбад раҳбарлик қилаётган Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Марказини ёпиб қўйди. AFP маълумотларига қараганда, Марказ офисида тинтув ўтказилиб, бинода ҳозир бўлганларнинг ҳаммасини иш жойини ташлаб чиқишга мажбур қилишган.

Мамлакатнинг Mehr агентлиги қайд этишича, Марказ фаолияти учун рухсат бўлмаганлиги туфайли суд қарори билан ёпиб қўйилган. Марказ раҳбари ўринбосарининг айтишича, полиция суд қарорини кўрсатиб ўтирмасдан фақат унинг рақамини билдириш билан чекланган.

Ширин Эбад Марказнинг ёпилиши ноқонуний эканлигини таъкидлаб, мазкур қарорнинг бекор қилинишига эришишни ваъда қилган. Шунингдек, у ўз касбдошлари билан ҳар қандай ҳолатда ҳам фаолиятларини давом эттиришларини айтган.

Инсон ҳуқуқлари Маркази ҳукумат сиёсатига бир неча бор танқидий эътирозлар билдирган. Жумладан, Марказнинг 2008 йил май ойида чоп этилган маърузасида фикр ва ахборотлар эркинлиги 2003 йилда ҳокимият тепасига президент Маҳмуд Аҳмадинежод келгандан сўнг чеклаб қўйилганлиги баён этилган.

АҚШ: ДЕНВЕРДА «БОИНГ» АВАРИЯСИ

Денвер халқаро аэропортида Continental Airlines авиакомпаниясининг Boeing — 737 самолёти ҳалокатга учрагач, 58 нафарга яқин йўловчи жабрланган деб хабар қилади аэропорт раҳбариятининг сўнгги маълумотларига таянган France Press агентлиги.

20 декабрь куни маҳаллий вақт билан тахминан 18:20 да Денвердан Хьюстонга йўл олаётган лайнер парвоз олдидан учишқўниш йўлагидан чиқиб, ёниб кетган. Самолёт бортида 112 нафар йўловчи бўлган.

Аэропорт матбуот хизматининг таъкидлашича, барча жароҳатланганлар шаҳар касалхонасига жойлаштирилган. Дастлабки маълумотларга кўра қурбонлар сони 38 нафар. Ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.

ҚИСҚА САТРЛАРДА



◆ *BBC News сайтидаги хабарга кўра, Мумбайдаги «Тожмаҳал» меҳмонхонаси маъмурияти меҳмонхонага террорчилар ҳужум қилган чоғида кўпгина гаровга олинганлар ўлимига полиция хизматчиларини айбдор деб топмоқда. Негаки, меҳмонхонани ташлаб чиқишга уринган пайтда ўлдирилган 20-30 нафар фуқаронинг ҳаммаси у ерни полиция маслаҳати билан тарк этаётган эди.*

Расмий маълумотларга кўра, Мумбай воқеаси қурбонлари 172 нафар кишига етган.

◆ *2009 йилнинг 20 январида АҚШ янги президенти Барак Обаманинг Вашингтонда бўлиб ўтадиган инаугурациясига фуқароларнинг соябонлар, рюкзаклар, спорт сумкалари, шунингдек, плакатлар ва транспарантлар билан келишлари тақиқланади. Улар ўт очар қуроллар, қадалувчи-кесувчи предметлар ва портловчи моддалар сингари тақиқланган буюмлар рўйхати қаторига киритилган, деб хабар қилади Franse Press агентлиги.*

Инаугурация ўтказиладиган ҳудудда алкоголли ичимликлар ичиш ҳам маън қилинган.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдолари эълон қилади:

№	Лот №	Мактаб манзили, рақами	Нархи ҚҚС билан сўм	Фойдаланишга топшириш муддати
1	1/1	Наманган вилояти, Косонсой тумани, Косон ҚФЙдаги 29-сонли мактаб учун ёрдамчи биноси билан 9х18 м. ўлчамли спорт залини қуриш	133 163 645	2009 йил июль
2	1/2	Наманган вилояти, Косонсой тумани, Косон ҚФЙдаги 43-сонли мактаб учун ёрдамчи биноси билан 12х24 м. ўлчамли спорт залини қуриш	180 341 907	2009 йил август
3	1/3	Наманган вилояти, Косонсой тумани, Ширин ҚФЙ, Чўнгбоши қишлоғидаги 19-сонли мактаб учун ёрдамчи биноси билан 12х30 м. ўлчамли спорт залини мукаммал қайта қуриш	60 468 864	2009 йил июнь
4	1/4	Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Олтинкўл ҚФЙдаги 35-сонли мактабга 9х18 м. ўлчамли спорт залини қуриш	133 011 087	2009 йил июль
5	2/1	Наманган вилояти, Чуст тумани, Ғова қишлоғидаги 67-сонли мактаб ҳудудида 9х18 м. ўлчамли спорт залини қуриш	133 241 557	2009 йил июль
6	2/2	Наманган вилояти, Чуст шаҳридаги 7-сонли мактабга 12х124 м. ўлчамли спорт залини қуриш	180 023 538	2009 йил август
7	2/3	Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Ҳазратишоҳ ҚФЙдаги 37-сонли мактаб учун ёрдамчи биноси билан 9х18 м. ўлчамли спорт залини қуриш	133 555 640	2009 йил июль
8	2/4	Наманган вилояти, Чортоқ шаҳридаги 50-сонли мактаб учун ёрдамчи биноси билан 9х18 м. ўлчамли спорт залини қуриш	133 638 910	2009 йил июль
9	3/1	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Заркент ҚФЙдаги 47-сонли мактаб учун ёрдамчи биноси билан 9х18 м. ўлчамли спорт залини қуриш	133 661 784	2009 йил июль
10	3/2	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Бирлашган ҚФЙдаги 58-сонли мактаб учун ёрдамчи биноси билан 9х18 м. ўлчамли спорт залини қуриш	133 354 672	2009 йил июль
11	3/3	Наманган вилояти, Уйчи тумани, Ёркатай қишлоғидаги 27-сонли мактаб учун ёрдамчи биноси билан 12х24 м. ўлчамли спорт залини қуриш	180 363 222	2009 йил август
12	3/4	Наманган вилояти, Наманган тумани, Ғирвон ҚФЙдаги 35-сонли мактабга 12х24 м. ўлчамли спорт залини қуриш	180 764 819	2009 йил август
13	3/5	Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Қўғай ҚФЙдаги 19-сонли мактаб учун ёрдамчи биноси билан 9х18 м. ўлчамли спорт залини қуриш	133 002 434	2009 йил июль

Буюртмачи: Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.
Телефон: (8-369) 226-22-60, 33-77-06.
Қурилиш ишлари Болалар спорти жамғармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: **Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилиш мумкин.**

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй.

❖ Тиббиёт масканларида

«ОНА ВА БОЛА СОҒЛИҒИНИ КИПРИКДА АСРАЙМИЗ»

дейди олий тоифали шифокор Миршокир **ШАРИПОВ**

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофазалаш соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишидир. Зеро, соғлиқни сақлаш тизимида перинатал марказларнинг ташкил топиши бўлғуси оналар соғлиғини муҳофазалаш, ҳомиладорлик ҳолатини назорат қилиш ва чекка қишлоқ жойларда тиббий хизмат сифатини оширишга замин яратмоқда.

Тошкент вилояти перинатал марказида 2 та реанимация, 2 та акушерлик, гинекология ва ҳомиладорлик патологияси бўлимлари она ва бола саломатлигини муҳофазалашга хизмат қилади. 170 ўринга мўлжалланган ушбу шифо масканида 260 нафар тиббиёт ходими, жумладан 35 нафар врач (уларнинг 19 нафари олий тоифали, 11 нафари биринчи тоифали шифокор), 190 нафар ҳамшира фаолият кўрсатмоқда.

— Миллат баркамоллиги, шажаралар боқийлиги кўп жиҳатдан она ва болага кўрсатилаётган малакали тиббий хизматга боғлиқ, — дейди вилоят перинатал маркази бош шифокори олий тоифали врач Миршокир Шарипов. — Туғруқ мажмуамизда ҳар ойда 350-400 нафар чақалоқ дунёга келади. Соғлом онадан соғлом зурриёд туғилади, жисмонан бақувват, ақлан соғлом фарзанд эса комил шахс бўлиб вояга етади. Репродуктив саломатлик маркази қошида узлуксиз ишлаётган махсус бригада туманлардаги туғруқ мажмуаларига фавқулодда ҳолатларда шошилинч ёрдам кўрсатиб келаётир. Зеро, она ва бола соғлиғини муҳофазалаш ва тиклаш — бизнинг эзгу мақсадимиз. Она ва бола саломатлигини доимо киприкда асрагандек асраймиз.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *Чирчиқ шаҳридаги вилоят туғруқ мажмуасидан лавҳалар.*

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.

✓ Спорт

ЕВРОПАЛИК ВА АМЕРИКАЛИКЛАР ФУТБОЛ БАҲСИГА

ўзбекистонлик Равшан Эрматов ҳакамлик қилди

Японияда футбол бўйича клублар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Кутилганидек, финал учрашувда Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоаси Эквадорнинг ЛДУ футболчиларига қарши майдонга чиқди. Европа ва Америка кучли жамоалари ўртасидаги бу учрашувни Осиёнинг жорий йилдаги энг яхши ҳаками, ҳамюртимиз Равшан Эрматов бошқарди. Қизиқарли ўйинда англиялик ҳужумчи Руни киритган ягона гол «Манчестер Юнайтед»га ғалаба, бош соврин ва 5 миллион АҚШ доллари миқдорида мукофот келтирди.

АРГЕНТИНАЛИК ФУТБОЛ ЮЛДУЗИ ТОШКЕНТДА

Жаҳоннинг машҳур футболчилари билан юзма-юз учрашиш «миллионлар ўйини»га дахлдор барча кишиларда унутилмас хотиралар қолдиради. Ўзбекистон футбол федерацияси ва «Бунёдкор» футбол клуби таклифига кўра жаҳон футболининг кўзга кўринган намояндаларининг юртимизга келиши, мутахассислар, спорт журналистлари, мухлислар билан юзма-юз учрашишлари, ёш футболчиларга яшил майдонда маҳоратларини намойиш этишлари яхши анъанага айланди.

Тошкентнинг «Бунёдкор» ва Испаниянинг «Барселона» футбол клублари ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик туфайли шу йил юртимизга Самуэл ЭтоО, Андрес Инеста, Карлос Пуйол ва Франческо Фабригес каби футболчилар ташриф буюришганди. Мана энди Аргентина терма жамоаси ва «Барселона» футбол клуби аъзоси Лионел Месси Тошкентга келди. Ва олдиндан белгиланган барча тадбирларда иштирок этди.

Шубҳасиз, аргентиналик таниқли футболчининг юртимиздаги учрашувлари болалар ўртасида футболни янада оммалаштиришга хизмат қилади.

(Ўз мухбиримиз)

ЧЕМПИОНЛАР ҒАЛАБАСИ

Профессионал боксчининг оғир вазндаги чемпионлари собиқ жаҳон чемпионларига қарши рингга кўтарилишди. Яқиндагина украиналик Владимир Кличко америкалик Ҳасим Раҳмон устидан ажойиб ғалабага эришганди. Куни кеча Цюрих шаҳрида россиялик Николай Валуев ва америкалик Эвандер Холифилд ўртасида жанг ўтказилди. Бу жанг 12 раунд давом этди. Унда россиялик боксчи кичик устунлик билан ғалаба қозонди ва Бутунжаҳон бокс ассоциацияси (WBA) йўналиши бўйича чемпионлик унвонини сақлаб қолди.

А.БЕК

САМАРҚАНДДА АДАБИЁТ БАЙРАМИ

Янги йил айёми арафасида Самарқандда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан адабиёт байрами ўтказилди.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, хусусан ўзбек адабиётини тарихий ва замонавий анъаналар асосида ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда кечаётган улкан бунёдкорлик, одамлар онгу-шууридаги ўзгаришлар шоир ва ёзувчиларимиз ижодида ҳам ўз ифодасини топаётир.

Тадбирда сўзга чиққанлар Юртбошимизнинг ижод аҳлига қаратаётган юксак эътибори, бадиий ижод ва унинг жамият тараққиётидаги аҳамияти, яратилаётган янги асарлар, мустақиллик даври адабиёти ҳақида тўхталиб ўтди.

— Самарқанд азалдан маърифат бешиги бўлиб келган, бу заминдан етишиб чиққан шоир ва ёзувчилар, олимлар адабиётимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшган, — деди Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, Абдулла Орипов. — Бу анъанани бугунги авлод вакиллари ҳам муносиб давом эттириб келмоқда. Мазкур тадбир ҳам ана шу ижодий муҳит билан яқиндан танишиш, таниқли шоир ва ёзувчиларимиз иштирокида адабий учрашувлар ўтказиш, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди. Шубҳасиз, бу байрам олис қишлоқларда, маҳаллаларда ҳам давом этади, адабий анъаналарнинг ривожланишига хизмат қилади.

Тадбир доирасида Ҳамид Олимжон номидаги вилоят мусиқали драма театрида мушоира бўлиб ўтди. Унда халқ шоирлари Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, Усмон Азим, шунингдек, самарқандлик ёш ижодкорлар ўз шеърларидан намуналар ўқиди.

Бир гуруҳ ижодкор ўқитувчи ва талабаларга, ёш қаламкашларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими Ў. Барноев иштирок этди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

❖ ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«НАВРЎЗ — БОҚИЙ БАЙРАМ»

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайр-саховат каби фазилатларни, шунингдек, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат сингари миллий қадриятларимизни фуқаролар, айниқса, ёшлар онгу шуурига чуқурроқ сингдиришда ОАВнинг ролини кучайтириш, журналистларнинг фаоллигини ошириш ҳамда уларда янги ижодий ёндашувларни шакллантиришни рағбатлантириш мақсадида «Наврўз — боқий байрам» танловини эълон қилади.

Янгиланиш ва яшариш фасли, умумхалқ байрами — Наврўзга бағишлаб ўтказиладиган бу танловга 2008 йилнинг 20 февралидан 2009 йилнинг 20 февралигача — бир йил мобайнида телевидение орқали кўрсатилган, радиода эфирга узатилган, газета ва журналларда босилган ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган материаллар 2009 йилнинг 1 мартигача қабул қилинади.

«Наврўз — боқий байрам» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- телевидение бўйича энг яхши журналистик иш учун;
- радио бўйича энг яхши журналистик иш учун;
- даврий матбуот бўйича энг яхши журналистик иш учун;
- Интернет нашрлар бўйича энг яхши журналистик иш учун.

Ҳар бир номинация бўйича учта: 1-, 2-, 3-ўрин таъсис қилинади. Голиблар олган ўринларига қараб қиймати турлича бўлган ноутбуклар билан мукофотланадилар.

Булардан ташқари мавзуни энг яхши ёритган ОАВ таҳририятлари учун ҳам учта: 1-, 2-, 3-ўрин учун мукофотлар таъсис этилади. Голиб таҳририятлар олган ўринларига қараб, қиймати турлича бўлган компьютер тўпламлари билан мукофотланади.

Танловга камида 5 та ижодий иш тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга муаллиф ва унинг ижодий фаолияти ҳақида қисқача маълумот, иш ва яшаш манзили, телефонлари ва паспорт маълумотлари илова қилиниши керак.

Танлов ғолиблари Наврўз байрами арафасида тақдирланадилар ва уларнинг номлари матбуотда эълон қилинади.

Материаллар **«Наврўз — боқий байрам»** деб кўрсатилган ҳолда 2009 йил 1 мартгача қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.
3 қават 30 -, 35 - ва 37- хоналар.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Тел.: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87

ЧАҚИРУВ ЮКСАК САВИЯДА ЎТАДИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳарбий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, ҳарбий хизматнинг нуфузи тобора ошмоқда. Айни пайтда муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитини, қўшинларнинг жанговар, ижтимоий-сиёсий ҳамда сафарбарлик жиҳатидан тайёргарлигини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ энди йигитларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш ва муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни захирага бўшатиш йилига бир марта — февраль, март ва апрель ойларида амалга оширилади.

2009 йилдан ҳаётга татбиқ этиладиган бу янги тартиб чақирув сифати ва самарадорлигини ошириши шубҳасиз. Тегишли йиғин пункт ва чақирув участкаларида замонавий шарт-шароитлар яратилади. Бундан ташқари, ҳарбий қисмлар, бўлинмалар, жойлардаги мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларининг моддий-техник ҳамда ўқув базаси янада мустаҳкамланади.

Барча жойда бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам мазкур фармон ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналарига номи қайд этилган фармон мазмунмоҳияти кенг тушунтирилмоқда. Йигитларни янги тартиб асосида муддатли ҳарбий хизматга чақирув мавсумини юксак савияда ўтказиш учун қизғин ҳозирлик кўрилаётир.

— Шу кунларда мутасадди ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда маҳаллаларда бўлиб, чақирув ёшидаги фуқароларнинг оилавий шароитини ўрганмоқдамиз, — дейди Самарқанд вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бўлим бошлиғи, майор Қодирали Шарипов. — Сўнг, чақирилувчиларнинг билим даражаси, жисмоний тайёргарлиги ва мослашувчанлик имконияти баҳоланади. Вилоят халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари билан келишилган ҳолда бўлажак ҳарбийларни ушбу синов ва танловлардан вақтида, сифатли ўтказиш учун барча зарур шарт-шароит яратилди.

Туман ва шаҳарлардаги чақирув участкаларининг иситиш ва ёритиш тизимлари ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Қўшработ туман мудофаа ишлари бўлими чақирув участкасида эса қурилиш-таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Ҳарбийлар учун замонавий шарт-шароит яратиш борасида амалга оширилаётган бундай хайрли ишлардан кўзланган асосий мақсад юртимиз мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

«ТОШКЕНТ ҚУВОНЧЛАРИ»

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида анъанавий «Тошкент қувончлари» иккинчи халқаро болалар расмлари биенналеси якунланди.

Бир ҳафта давом этган кўрикда ўзбекистонлик ёш ижодкорлар билан бирга, дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакатидан келган бешдан ўн беш ёшгача бўлган ўғил-қизларнинг атроф-олам, табиат, Тошкент, болалик каби мавзуларда чизган мингга яқин расмлари намойиш этилди.

Мисрлик Нардин Иброҳимнинг ижод иши гран-прига сазовор бўлди. Туркманистонлик Альфия Гильдановнинг «Ҳордиқ», беларуслик Виктория Курзинанинг «Болалик. Кувонч. Шодлик», индонезиялик Шаннисия Норинтанамининг «Менинг Ватаним», ўзбекистонлик Ойнура Сапекеванинг «Мусиқа», Малика Хидиралиеванинг «Орзуимдаги шаҳар», Аббос Нарзуллаевнинг «Она-Тошкент», озарбойжонлик Али Гейдаровнинг «Ватаним», хитойлик Йиран Лининг «Ватаним», америкалик Ан Леенинг расмлари биенналенинг биринчи мукофоти ва олтин медалларига лойиқ топилди.

(Ўз мухбиримиз)

✓ Тадбир

МЕҲР-ОҚИБАТ ВА САХОВАТ

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатида устувор йўналиш ҳисобланади. Бу борада давлат ташкилотлари билан бирга жамоат тузилмалари ҳам кўплаб эзгу ишларни амалга оширмоқда. Куни кеча пойтахтимиздаги «Истиқлол» санъат саройида «Наврўз» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар кенгаши, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамкорликда хайрия тадбири ўтказди. Унда маҳаллалар фаоллари, ёшлар, жамоатчилик ва хорижий ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар кам таъминланган, кўп болали оилалар, уруш, меҳнат фахрийлари ва ногиронларга кўмак бериш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, нодавлат ташкилотларининг бу борадаги вазифалари ҳақида фикр юритди.

— Бундай тадбирлар ўтказилиши саховатпешалик, бағрикенглик каби эзгу фазилатларни ёшлар онгига сингдириш, уларда инсонийлик туйғуларини кучайтиришда муҳим ўрин тутади, — деди «Наврўз» халқаро хайрия жамғармаси ижрочи директори Зокир Расулов. — Бу каби эзгу амаллар ва миллат генофондини сақлашдек масъулиятли иш тарғиботи жамғарма фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади.

— Ўзбекистонда кўмакка муҳтож, ногирон кишиларга кўрсатилаётган эътибор таҳсинга лойиқ, — деди «Нью Хоуп» халқаро реабилитация фондининг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари Роналд Дэвук Хонг. — Ўзбек халқида меҳр-оқибат, қадр-қиммат туйғулари кучли. Мен ўзбек халқини айнан инсонпарварлик қадриятларини ардоқлайдиган халқ сифатида ҳурмат қиламан. Гўзал инсоний фазилатлар ҳаётимизнинг зийнатидир. Уларни қадрлаш, бир-биримизга меҳрибон бўлиш ҳаётга маъно-мазмун бағишлайди.

Тадбир сўнггида имконияти чекланган 16 нафар кишига ногиронлик аравачаси ва эшитиш мосламалари топширилди. Шундан сўнг эстрада юлдузларининг концерт дастури намойиш этилди.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1149
7800 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 22.30
7
Sotuvda erkin narxda

В связи с окончанием срока действия лицензии LF №000043 от 22 декабря 2003 года на деятельность по организации лотерей прекращается. В связи с этим ЧФ «Лаура» рассматривает жалобы и предложения в течение трех месяцев.